Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

37 (782)-son
14-sentabr
www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz
2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Алоқа оламида: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!

GSM мобил алоқа стандартига 20 йил тўлди. 1987 йилнинг 7 сентябрида 13 мамлакатнинг 15 телекоммуникация компанияси мазкур тизимни уяли алоқанинг Европа стандарти сифатида қабул қилиш тўғрисидаги ўзаро англашув Меморандумини имзолаган эди.

GSM иккинчи авлод тармоқларига мансуб бўлиб, мазкур стандарт ҳозирги кунда жаҳон мобил алоқа бозорининг 82 фоизи (2,5 миллиард фойдаланувчи), глобал ялпи маҳсулотнинг 1,6 фоизини ташкил этади.

Статистика маълумотларига кўра, ҳар йили ишлаб чиқарувчилар миллиардга яқин янги телефон аппаратлари сотишади. Мобил телефондан фойдаланувчилар эса бу пайтда 7 триллион дақиқадан ортиқ сўзлашиб, бир-бирларига 2,5 триллиондан зиёд қисқа хабарлар йўллашади.

InfoCom-2007 ҲАФТАЛИГИ

Шу йилнинг 24-28 сентябр кунлари мамлакатимизда InfoCom-2007 Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги ўтказилади. Ҳафталик доирасида АКТ Саммити, Ахборот технологиялари бўйича "ICTExpo 2007" миллий кўргазмаси, "ITPA 2007 — Осиёда ахборот технологияларини ривожлантириш" халқаро конференцияси, "Мамлакат интернет-ресурсларини ривожлантириш истиқболлари ва босма ОАВ фаолиятида замонавий АКТнинг ўрни" медиа-форуми, Миллий интернет-фестивал якунлари ва бошқа бир қатор муҳим тадбирлар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

2-БЕТ

Ушбу сонда:

ИНТЕРНЕТДА ПУЛ ТОПИШНИ ИСТАЙСИЗМИ? 3-БЕТ

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ ДАВЛАТ ДАСТУРИ АМАЛДА 5-БЕТ

60 ГИГАБАЙТ ДЛЯ ВАШЕГО МОБИЛЬНОГО 6-БЕТ

ГАП СОТГАНЛИК УЧУН ИККИ ЙИЛ 11-БЕТ

ҚУЁШ НУРИ ТУГАНМАСМИ? 16-БЕТ

WWW ИНТЕРНЕТ ХАМКОРЛАРИМИЗ

UzNet Internet Service Provider — сифат рамзидир

SarkorTelecom — юқори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN — JUMAGACHA

7 сентябр куни Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари тантана иштирокчиларини, уларнинг сиймосида Фарғона аҳлини, бутун халқимизни Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи билан муборакбод этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Гулистон шаҳрида 7 сентябр куни ўтказган қўшма мажлисда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Сирдарё вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Мазкур қонуннинг ижро этилишини таъминлаш юзасидан вилоятда муайян ишлар амалга оширилганлиги мажлисда қайд этиб ўтилди.

Мустақиллик байрами кунларида Бухоро Давлат университети янги маъмурий бинога эга бўлди.

Замонавий, кўркам бу бино, асосан, университетнинг ички имкониятлари ҳисобига қуриб битказилгани диққатга молиқдир. Бинодаги мебеллар эса университетнинг тадбиркорлик марказида тайёрланди. Университет жамоаси айни дамда саломатлик маркази, гелиополигон ва тест маркази бинолариии ҳам худди шу усулда барпо этяпти.

"Ўзбекистон" нашриёти Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" номли китобини чоп этди. Китобдан давлатимиз раҳбарининг шу йил 30 август куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мамлакатимиз истиқлолининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси ўрин олган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Қонунчилик палатасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Президент Девонининг "Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган масалалар кўриб чиқилди.

"Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компаниясида Вазирлар Маҳкамасининг давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада оширишга оид қарори ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг масъул ходимлари ҳамда мазкур компания тизимидаги корхона ва ташкилотлар мутахассислари иштирок этди.

Семинарда тизимдаги шартномавий-ҳуқуқий ишларнинг аҳволи ва қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

InfoCom-2007 ҲАФТАЛИГИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

МИЛЛИЙ САММИТ

Одатдагидек, ҳафталик АКТ бўйича Миллий саммит билан бошланади. Бешинчи бор ўтказиладиган АКТ-саммитида давлат, таълим, нотижорий ва хусусий тизимлар вакиллари тармоқ ривожланишининг сўнгги натижалари билан танишиб, келгуси вазифаларни муҳокама қилишади.

Саммит ташкилотчилари: Компьютерлаштириш ва АКТни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг матбуот ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Ривожлантириш Дастурининг "АКТ сиёсати" лойиҳаси ва Ўзбекистон АТ-корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси.

ICTExpo 2007

Ҳафталик доирасидаги энг муҳим воқеа, шубҳасиз, "ICTExpo 2007" Ахборот технологиялари миллий кўргазмаси ҳисобланади. Кўргазма 25-27 сентябр кунлари "Ўзкўргазмасавдо" марказида ҳамда бир пайтнинг ўзида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади.

Кўргазма Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмагида Ўзбекистон АТ-корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси томонидан ташкил этилади. Кўргазманинг кенг доирага ихтисослашганлиги унда АТ-бозорнинг турли компаниялари учун бевосита иштирок этиш имконини беради.

Унинг асосий қатнашчилари Ўзбекистон АТ-корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси аъзолари ҳисобланади. Улар қаторига мамлакатимиз АТ-соҳасининг 45 та етакчи корхонаси киради. Бундан ташқари, кўргазмада софт ва хардвер маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компаниялар, провайдерлар, мобил алоқаси операторлари, телекоммуникация ускуналари етказиб берувчи корхоналар, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этишади.

Кўргазмада мамлакатимиз олий ўқув юртлари имкониятлари ҳам кенг намойиш этилади. Маҳаллий телемедицина тизимлари ҳам кўргазмадан ўрин олади.

Дастур бўйича "Ўзкўргазмасавдо" марказининг махсус залларида ахборот-коммуникация технологиялари масалалари бўйича илмий-техник конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилади. Шунингдек, турли кўнгилочар дастурлар ҳам ташкил этилади.

ITPA 2007

Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтадиган "ITPA 2007 — Осиёда ахборот технологияларини ривожлантириш" мавзуидаги халқаро конференцияда Жанубий Корея, Хитой, Япония, Ҳиндистон ва бошқа хорижий мамлакатлардан 60 нафардан ортиқ вакил иштирок этади. Форумнинг асосий мақсади турли йўналишда изланишлар билан шуғулланаётган тадқиқотчилар, олимлар ва манфаатдор шахсларни Осиёда ахборот технологияларини ривожлантириш масаласи атрофида бирлаштириш, ҳозирги давр услублари, янги тадқиқот йўналишлари ҳамда янги технологиялар имкониятларини муҳокама қилишдан иборат.

МЕДИА-ФОРУМ

Ҳафталик иштирокчилари "Мамлакат босма оммавий ахборот воситалари фаолиятида замонавий АКТнинг роли ва интернет-ресурсларни ривожлантириш истиқболлари" мавзуидаги медиа-форумда ҳам қатнашади.

Унда медиа-тузилмалар ва давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг замонавий йўналишлари, ўзбек журналистларининг энг яхши анъаналарини ривожлантириш масалалари муҳокама этилади.

ICI 2007

АКТ ҳафталиги давомида яна бир муҳим тадбир — ICI 2007 — Интернет, мобил, симсиз ва оптик-толали алоқа соҳасидаги янги авлод технологиялари, электрон тижорат учун ахборот-коммуникация технологиялари бўйича учинчи халқаро Марказий Осиё конференцияси ҳам бўлиб ўтади. Тадбир қатор халқаро ташкилотлар иштирокида ўтказилади.

ICI 2007 изчил кенгайиб бораётган ахборот технологиялари соҳаларида техник алмашишни рағбатлантириш мақсадида ҳар йили ташкил этилмоқда. Анжуман симсиз ва оптик маҳсулотлар саноатида инновация ва илғор тадқиқотлар ҳамда ишланмаларни кўриб чиқиш учун имкон яратади.

ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛ

28 сентябр куни Миллий .UZ домени интернет-фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилади. Ушбу тадбир АКТ ҳафталигини якунлаб беради.

Интернет-фестивали ўтказишдан мақсад .UZ домени сегментида ахборот ресурслари ва сервис хизматларини ривожлантириш, мавжуд ресурсларни инвентаризациядан ўтказиш, ахборот маданиятини ошириш, энг яхши миллий ресурсларни тарғиб қилиш, интернет тармоғида ўзбек тилини қўллаш доирасини кенгайтиришдан иборат.

Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги йилнинг энг муҳим воқеалари ўрин олган ушбу ҳафталик мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришга хизмат қилиши билан бирга, қатор АТ-компаниялар, уларнинг вакиллари ҳамда мутахассислар учун янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўзаро тажриба алмашиш имконини беради.

YANGI NASHR

"Алоқаинформ"

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг расмий нашри – "Алоқаинформ" журналининг биринчи сони босмадан чиқди.

Ушбу журналда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мамлакатимиз Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига оид қарор ва фармойишлари, соҳага тегишли меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Илмий-техника кенгаши, Стандартлаштириш техника қўмитаси, Давлат алоқа инспекцияси, Электромагнит мослашув маркази, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳузуридаги соҳалар хизматларининг расмий ҳужжатлари, шунингдек, ушбу соҳада фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар ҳамда телекоммуникация техника воситаларининг мувофиқлиги сертификатлари тўғрисидаги ахборот чоп этилади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги нашр муассиси ҳисобланади. Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган бўлиб, ҳар ой Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан нашрдан чиқарилади.

"Алоқаинформ" аввалги "Алоқа ахборотномаси" ахборот бюллетени ўрнига чоп этилмоқда. "Алоқа ахборотномаси" саҳифаларида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига доир муҳим воқеалар, янгиликлар ҳамда айрим ҳужжатлар ёритилар эди.

Келгусида "Алоқаинформ" журналининг иловасини ҳам чоп этиш кўзда тутилмоқда. Унда ахборот тусидаги ва таҳлилий материаллар, соҳа янгиликлари, статистика маълумотлари, билим орттиришга хизмат қиладиган ахборотлар эълон қилинади.

Журналнинг 2007 йилги сонлари Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази билан шартнома асосида тарқатилади. 2008 йилдан бошлаб "Алоқаинформ" обуна бўйича тарқатилади. Журналнинг "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси каталогидаги обуна индекси — 1157.

AKT VA ZAMON

ИНТЕРНЕТДА ПУЛ ТОПИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Бугунги ахборотлашган замонда интернет орқали пул топишнинг бир қанча йўллари мавжуд. Агар сизнинг шахсий компютерингиз интернетга уланган бўлса, буни бемалол амалга оширишингиз мумкин.

Кўпинча сизга сайтларни кўриб чиқиш учун пул тўлашни ваъда қилаётган ҳомий (спонсор)ларда сайтларда рўйхатдан ўтиш, интернет форумларида хабарлар ёзиш, реклама баннерларига ташриф буюриш ва бошқалар эвазига "осон" пул топишни таклиф қилишади. Ҳомийлар — бу қисқа вақт ичида буюртмачи сайтининг оммавийлигини оширишга қаратилган фаол реклама тизимларидир. Бу сайтдаги ҳар бир баннерга қилинаётган ташриф учун ҳақ олишимиз мумкин.

Тармоқда пул топишнинг иккита энг кенг тарқалган йўли мавжуд. Бу сёрфинг ва e-mail ҳомийлардир.

Сёрфинг — бу веб-саҳифаларни кўриб чиқишдир. Веб-саҳифани кўриб чиқиш қоидалари ҳар хил ҳомийларда турлича бўлиши мумкин. Умумий ҳолда, унинг махсус веб-ойнасини очиш тушунилади. Бу браузер ёки ҳомий сайтидан кўчириб олиш ва ўрнатиш керак бўлган баннер ишорали дастурлар ойнаси бўлиши мумкин.

Рўйхатдан ўтгандан сўнг, ҳомий сайтига кириш ва у ердан таклиф қилинаётган сайтларга ўтиш керак. Ҳар бир кўриб чиқилган сайт учун кредитлар (насиялар) ҳисобланади. Кўпчилик ҳомийлар сайтда камида 30 секунд бўлганингиздан кейингина кредит ҳисоблайди. Баъзиларида эса, кўриб чиқиш вақти бир дақиқагача етади. Бошқа сайтга ўтиб кетиш учун, одатда, биргина оддий саволга жавоб бериш сўралади.

Баъзи сёрфинг ҳомийларда тўпланган кредитларни аккаунтнинг ўзидан олиб бўлмайди, бунинг учун махсус кредит биржалари мавжуд. Улардан энг машҳури GoldCapShop.com ҳисобланади.

E-mail ҳомийлар — бу шундай ҳомийларки, улар томонидан юборилган ҳар бир хат таркибида ташриф буюрганлик учун ҳақ тўловчи саҳифаларга олиб ўтувчи ишоралар мавжуд бўлади. Рўйхатдан ўтиш пайтида ўз e-mailингизни кўрсатишингиз керак, шундан сўнг сизнинг электрон почтангизга рўйхатдан ўтишни давом эттириш учун хат келади. Бунинг сабаби, агар сиз бошқа бир бегона e-mailни кўрсатган бўлсангиз, ҳомий спамни тарқатиш билан шуғулланмайди. Рўйхатдан ўтиш муваффақиятли якунлангандан сўнг, сизга ҳар куни таркибида ишора (ссылка)лар бўлган 5тадан 30тагача хатлар келади. Ҳар бир кўриб чиқилган сайт учун 0,002$дан 0,01$гача ҳақ тўлаш амалга оширилади. E-mail ҳомийлар, шунингдек, ҳар бир клик (ишорани "сичқонча" билан чертиш тушунилади) учун 0,001$дан 0,01$гача ҳақ тўлашади.

Рефераллар. Реферал — бу сизнинг ишорангиз бўйича ҳомийлик тизимида рўйхатдан ўтган кишидир. Ҳомийларга ҳар доим янги қатнашувчилар (мижозлар) керак. Шунинг учун ҳам улар мижозларнинг сонини кўпайтиришга катта эътибор беради.

Рўйхатдан ўтаётган мижоз учун ҳомий сайтига унинг ўзи ёки кимнингдир тавсияси орқали келганлиги орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Бу унинг ҳомийдан оладиган иш ҳақига ҳеч қандай таъсир қилмайди. Лекин бу уни таклиф қилган кишининг кредит ҳисобига таъсир қилади. Яъни, агар сиз кимнингдир реферал ишораси орқали рўйхатдан ўтган бўлсангиз, у ҳолда, ўша одамга бир марталик тўлов кўринишидаги рағбатлантириш ва сиз ишлаган пулдан фоизлар ёзилади (компания сизнинг фойдангиздан фоизлар ҳисоблайди ва бу суммани ўша кишига ўз чўнтагидан тўлайди). Кўпчилик ҳомийларда кўп поғонали рефераллик мавжуд.

Шундай қилиб, сизнинг рефераллик ишорангиз бўйича рўйхатдан ўтган киши сиз учун 1-даражали реферал ҳисобланади. Сизнинг рефералингиз томонидан таклиф қилинган киши эса сиз учун 2-даражали реферал ҳисобланади. Баъзи ҳомийларда рефераллар фойдасидан олинган фоизлар ва даражалар сони фарқ қилади. Албатта, ўзига-ўзи реферал бўлиш тақиқланади, йўқса оддий дастурлар ёрдамида жуда кўп пул ишлаб олса бўлар эди. Шунинг учун ҳам IP-манзилларни ҳисобга олувчи ва "виртуал рефераллар"ни четлаштирувчи махсус тизимлар мавжуд. Агарда сиз ўз-ўзингизга реферал бўлишга уринсангиз, бу сизнинг аккаунтингизни блокировка қилишга ва барча йиғилган кредитларнинг йўқолишига олиб келади.

Рефераллари қуйидаги усуллар орқали тезроқ ва муваффақиятлироқ топиш мумкин:

1. Форумларда. Пул ишлаш таклифи билан форумларда ўз рекламангизни жойлаштиринг: эълон матнида мижозни қизиқтирувчи барча маълумотларни келтиринг ва ўз реферал ишорангизни кўрсатинг (уни ҳомий сайтидаги ўз аккаунтингиздан қараб кўришингиз ва кўчириб ўтказишингиз мумкин. Айнан унинг ёрдамида сиз рефераллари таклиф қила оласиз).

2. E-mail ҳомийларда реклама бериш. Анча яхши ва шу билан бирга, кўп харажатли усул. Бунда тўпланадиган рефераллар сони сиз ҳомийни қандай таърифлашингизга боғлиқ бўлади.

3. Сайт яратиш. Пул ишлаш мавзусига бағишланган ўз сайтингизни яратинг ва у ерга ҳомийларнинг таърифлари билан келтирилган ўз рефераллик ишораларингизни жойлаштиринг. Лекин сайтингизга ташриф буюришлари учун уни етарлича оммавийлаштиришингиз керак. Аввалам-бор, уни қидирув тизимларида, кейин каталогларда рўйхатдан ўтказиш зарур. Сайтни оммалаштиришнинг энг яхши йўли — бу каталогларда рўйхатдан ўтишдир.

Сайтни бепул рўйхатдан ўтказиш хизматларидан бири 1ps.ru ҳисобланади. У ерда каталогларнинг энг яхши базаси мавжуд. Бепул рўйхатдан ўтказишни Москва вақти билан соат 2.00дан 6.00гача амалга ошириш мумкин. Шу билан чекланиб қолмасдан, рўйхатдан ўтказишни бошқа ўхшаш серверларда ҳам олиб бориш керак, масалан, Alfalnternet.ru — бу ерда бошқача каталоглар базаси мавжуд. Унда бир суткада фақат 30та каталогда рўйхатдан ўтиш мумкин. Сайтни оммалаштиришнинг яна бир усули — бу мос мавзулардаги сайтлар билан ишоралар алмашишдир.

Сайт яратиш анчагина билим ва кўникма талаб қилса-да, лекин бу рефераллари кўпайтиришнинг энг яхши усулидир. Чунки, сайт сизни доимий равишда рефераллар билан таъминлаб туради ва бунда сизнинг даромадингиз миқдори ойига 300 доллардан 1000 долларгачани ташкил этади.

Пул ишлашни қандай бошлаш керак?

Аввалам-бор, интернетда ўз электрон почтангиз бўлиши зарур. Бири "ru" зонасида (mail.ru, yandex.ru), бошқаси "com" зонасида (yahoo.com, mail.com). Сабаби, чет эл ҳомийлари, кўпинча, рус e-mailларини қўллаб-қувватлашмайди.

Шундан сўнг, webmoney.ru электрон тўловлар тизимида рўйхатдан ўтиш керак. Чунки барча рус ҳомийлари webmoney Transfer тўловлар тизими билан ишлайди. Унда рўйхатдан ўтиш бепул. Рўйхатдан ўтгандан кейин сизга ўз электрон ҳамёнларингизнинг рақамлари берилади. Сиз уларни рус ҳомийларида рўйхатдан ўтиш вақтида кўрсатасиз ва улардан ишлаган пулларингизни олишингиз мумкин. Шундан сўнг уларни банк ёки почта орқали реал (нақд) пулга айлантирса бўлади. (Бу тизим интернетнинг Ўзбекистон сегментида ҳам мавжуд, унинг манзили: www. webmoney.uz).

Энди ҳомийларда рўйхатдан ўтса бўлади! Уларнинг рўйхатини веб-каталогларнинг тегишли бўлимларидан топиш мумкин. Ўзингизга ёққан ҳомий номида "сичқонча" тугмасини босиб, унда рўйхатдан ўтинг. E-mail ҳомийларда рўйхатдан ўтиш вақтида қанчалик кўп қизиқиш билдирсангиз, сизга шунчалик кўп ҳақ тўланадиган хатлар оқими очилади.

Танланадиган объектлар орасида "мен рус тилини билмайман" ёки "мени аккаунтимни ўчиринг" кабилар ҳам бўлиши мумкин. Уларни танлаш мумкин эмас, йўқса сизнинг аккаунтингиз рўйхатдан ўчирилади (дастур тузувчилар сизнинг тил билишингизни текшириб кўриш учун шундай қилишган). Рўйхатдан ўтгандан сўнг, ҳомий сайтига киринг ва у ерда ўз аккаунтингизни киритинг. Энди ўз ҳомийингизда пул ишлашни бошласангиз ҳам бўлаверади.

Пул ишлашни бошлаш учун энг яхши e-mail ҳомийлардан бири Mirmail.infoда рўйхатдан ўтишни маслаҳат берамиз. У юборилган ҳар бир хат учун 0,002$ дан 0,004$гача, кликлар учун эса 0,0025$ дан 0,004$гача ҳақ тўлайди. Энг яхши рус e-mail ҳомийларидан яна бири Dengimail.ru ҳисобланади. У хатлар учун 0,0025$ дан 0,01$гача, кликлар учун эса 0,002$ дан 0,003$гача ҳақ тўлайди. Сиз рўйхатдан ўтган ҳомийлар сони қанчалик кўп бўлса, даромадингиз миқдори ҳам шунчалик кўп бўлади!

Шарофиддин РАҲИМОВ тайёрлади

ANJUMAN

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА АКТ

Юртимизда ахборот коммуникация соҳасидаги янгиликларнинг ҳаётга изчил ва кенг миқёсда жорий этилаётгани таълим тизимига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Коллеж ва олийгоҳлар қошидаги кутубхоналарнинг ахборот-ресурс марказларига айлантирилгани ва мазкур марказлар миллий, маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг тарғиб қилиш ва халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, ёшларимизни юртга муҳаббат руҳида тарбия олишларига имконият яратиш, янги ахборот технологиялари (маълумотларнинг электрон базалари, интернет ресурслар) асосида аҳолига зарур даражада ахборот хизмати кўрсатиш масканига айланаётгани фикримизнинг далилидир. Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида "Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи ўқув жараёнида янги ахборот технологияларининг қўлланилиши" мавзуида ўтказилган илмий-амалий анжуманда бу ютуқлар алоҳида таъкидланди.

Анжуман иштирокчилари коллеж директори ўринбосари Зулхумор Бобожоновнинг "Алоқа касб-ҳунар коллежи ўқув жараёнида янги ахборот технологиялари", Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази янги авлод дарсликлари ва адабиётлар бўлими бошлиғи А.Авлиёқуловнинг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ташкил этилган Ахборот-ресурс марказининг ўрни ва аҳамияти ҳақида", коллеж ахборот-ресурс маркази (АРМ) раҳбари Юллана Ким ҳамда коллеж директорининг маданий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Азизахон Абидоваларнинг ўзбек ва рус тилларидаги "Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежининг АРМ фондидан фойдаланиш қоидалари", информатика ва аниқ фанлар кафедраси ўқитувчиси Лазиз Асадовнинг "Интернет — бутун дунё ахборот маркази", шу кафедра ўқитувчиси Алишер Эшқобиловнинг "Вируслар ва вирусга қарши дастурлар" мавзуларидаги маърузаларини тинглашди. Шунингдек, АРМ бўлим мудири Ольга Шамардина ҳамда етакчи мутахассис Нилуфар Қурбоновларнинг тавсия этилаётган адабиётлар шарҳи ҳам тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда АРМ фондидан фойдланиш тартиб-қоидалари ҳақида ҳам тўлиқ маълумот берилди.

Ўз мухбиримиз

Улуғлар хазинасидан

ИЛМ ҚОҒОЗГА ЁЗИШ, ЧИЗИШ БИЛАН ЭМАС, БАЛКИ ЎҚИМОҚ ВА УҚИМОҚ БИЛАНДИР.

ЗАМАХШАРИЙ

XALQARO HAYOT

БИР ВАҚТДА УЧ РАКЕТА УЧИРИЛДИ

Газо минтақасидан учирилган ракета Исроилнинг "Зиким" ҳарбий базаси ҳудудида портлаши натижасида олтмиш нафар киши жароҳатланган.

NEWSru Israel хабарида айтилишича, минтақанинг Байт-Ханун ҳудудидан бир вақтнинг ўзида учта ракета учирилган ва уларнинг биттаси ҳарбий базага келиб тушган. Мазкур хуружни "Ал-Қудс бригадаси"нинг жанговар қаноти ҳисобланган "Ислом жиҳоди" ўз бўйнига олган.

БОШ ВАЗИРНИНГ ИСТЕЪФОСИ

Япония бош вазири Синдзо Абэ ўз партияси раҳбариятига истеъфога чиқишини маълум қилди.

Буни мамлакатдаги ҳукмрон Либерал-демократик партиянинг бош котиби Таро Ассо ҳам тасдиқлади. Айтиш жоизки, бош вазир агар Американинг Афғонистондаги ҳарбийларини қўллаб-қувватлашга қаратилган Япония мададини давом эттириш ҳақидаги қонун лойиҳасини ўтказа олмаса, истеъфога чиқишини айтган эди. Жорий йил июлида парламент сайловларида ғолиб чиққан мухолифат бу қонун лойиҳасига қарши чиқмоқда. Бунинг устига, Абэ ҳукуматининг аъзолари қатор можароларга аралашиб қолишган.

"ҚОРА ОЛТИН" КЎПАЯДИ

ОПЕК (нефт экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти) шу йилнинг ноябр ойидан бошлаб "қора олтин" қазиб олиш миқдорини кунига 500 минг баррелга кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бунга мутахассисларнинг маҳсулот нархининг кўтарилиб кетиши жаҳон иқтисодига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги тахминлари сабаб бўлди.

"ГАЗПРОМ" ГАЗ НАРХИНИ ОШИРМОҚЧИ

Жорий йилнинг охирига бориб, "Газпром" Ғарб давлатларига сотаётган газ нархини ўн фоизга оширишни мўлжалламоқда.

Маълумотларга қараганда, Европада нефт маҳсулотлари нархи кўтарилиб бормоқда. Масалан, июл ойида бир тонна мазутнинг баҳоси 346, августда эса 360 долларни ташкил этган, яъни ўтган йилнинг декабр ойидан буён 43,2 фоизга кўтарилган. Ваҳоланки, шу пайт оралиғида газнинг баҳоси бор-йўғи 16,2 фоиз ўсган, холос. Агар йил охиригача мазутнинг нархи пасаймаса, "Газпром" Европага ҳар минг кубометр газни 293 долларга сотишни режалаштиряпти.

ГАРВАРД — ЭНГ ЯХШИ ОЛИЙГОҲ

Хитойлик тадқиқотчилар томонидан Гарвард университети 2007 йилда сайёрамизнинг энг яхши олийгоҳи деб топилган.

Беш юзта олий ўқув юрти номи зикр этилган рейтингнинг кучли бешлигидан Стэнфорд, Калифорния, Кембриж университетлари ҳамда Массачусетс технология институти ўрин олган. Ломоносов номидаги университет рўйхатда 76-ўринни банд этган. Тадқиқотчилар хулосасига кўра, Буюк Британия, АҚШ, Япония ва Германия энг нуфузли олий таълим муассасаларига эга бўлган давлатлар саналади.

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Ўринли эътирозлар

Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатининг белгиланган меъёр ва қоидаларга мувофиқлигини назорат қилиш истеъмолчилар талабини қаноатлантиришда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунлари асосида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг жойларда қай даражада бажарилаётганлигига эътибор бериш – соҳадаги ишларнинг самарасини янада оширади.

Жойларда мазкур қонунлар ва белгиланган меъёрий ҳужжатлар талабларига бепарволик билан қаралаётганлиги, истеъмолчиларнинг мурожаатлари жавобсиз қолиши ва алоқа хизматлари сифатининг қониқтирилмаётганлиги сабабли Қорақалпоғистон Республикаси Давлат алоқа инспекциясига 2006 йил давомида 35 та мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 22таси корхоналар айби билан деб топилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида бу кўрсаткич 16та бўлиб, корхона айби билан деб топилган мурожаатлар сони 8тани ташкил қилди. Мурожаатларнинг кўпчилиги «Ишонч телефони» хизмати орқали келиб тушган. Юқорида келтирилган қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Давлат алоқа инспекцияси (ДАИ) ходимлари томонидан истеъмолчиларнинг мурожаатлари тегишли корхоналар мутахассислари билан биргаликда белгиланган муддатларда ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар натижасида, корхоналардаги айрим ходимларнинг ҳатто оддийгина қоидаларни ҳам билмасликлари шикоятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётганлиги маълум бўлди. Шунингдек, буюртма хатларнинг манзилга муддатида етказилмаслиги, газета ва журналларнинг бошқа манзилларга ташлаб кетилиши, «08» хизмати бюроси ходимларининг муомала маданиятига эътибор бермаслиги, оддийгина абонент симларнинг узилиши муддатидан кечиктириб бартараф қилинганлиги сингари ҳолатлар ҳам аниқланди. Бундан ташқари, ўрганишлар жараёнида ўз вазифаларини сидқидилдан бажармаётган, ҳаттоки вазифаларини суиистеъмол қилиб, мижозларга қўпол муносабатда бўлаётган ходимлар ҳам борлиги аён бўлди.

Масалан, ДАИнинг 2006 йил 15 сентябрдаги хатига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани «Қиличбой» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи бир гуруҳ пенсионерларнинг пенсия ва нафақа пулларини ўз вақтида олмаётганлиги ва почта алоқаси бўлими бошлиғи қўпол муносабатда бўлиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти номига йўллаган шикояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қорақалпоғистон филиали ходимлари иштирокида ўрганиб чиқилганида, Манғит почта алоқаси тармоғига қарашли «Ўзбекистон» алоқа бўлими бошлиғи Ф.Авезметовнинг пенсионерларга қўпол муомала қилиши ўз тасдиғини топди.

Шу билан бирга, 2006 йил июл ва август ойлари тўлов ведомостлари кўрилганда, июл ойида 140 пенсионерга, август ойида эса 701 пенсионерга пенсия тўловлари тўланмаганлиги ва ведомостларда пенсионерлар имзоси мавжуд эмаслиги аниқланган. Ушбу қилмиши учун **«Ўзбекистон» алоқа бўлими бошлиғи Файзулло Авезметов «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қорақалпоғистон филиали Манғит почта алоқа тармоғининг 2006 йил 21 сентябрдаги 73-сонли буйруғи билан эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилди ва унинг устидан Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туман прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилди.** Мазкур шикоятни ўрганиб чиқиш натижасида барча пенсионерларга пенсия ва нафақа пуллари 100 фоизга тўланиши ҳамда айбдорларга қонунда белгиланган тартибда чоралар кўрилиши таъминланди.

Шунингдек, 2006 йил 27 октябр куни Нукус шаҳридаги «Биолаборатория» корхонаси томонидан 2006 йил август ойидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ томонидан «Труд», «НТВ», «Народное слово» газеталари ва «Амударя» журнали тақдим этилмаётганлиги, «Даракчи», «Аргументы и факты», «Еркин Қарақалпақстан» газеталари вақтидан кечикиб берилаётганлиги тўғрисидаги мурожаат Қорақалпоғистон Республикаси ДАИга келиб тушди. Мурожаатни ўрганиш давомида аниқланишича, ҳақиқатан ҳам «Биолаборатория»нинг 2006 йил 15 июндаги 60-сонли тўлов топшириқномаси билан юқорида кўрсатилган журнал ва газеталар учун маблағ ўтказилганлиги, аммо Қорақалпоғистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ ушбу маблағни обуна расмийлаштирмасдан бошқа мақсадларда ишлатиши натижасида обуначига журнал ва газеталарнинг умуман етказилмаганлиги ҳамда «Даракчи», «Аргументы и факты» газеталарининг 42-сони ва «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг 124, 126, 127, 128-сонлари обуначига кечиктириб етказилганлиги маълум бўлди. Давлат алоқа инспекцияси ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан обуначига етказилмаган журнал ва газеталар қайта ҳисоб-китоб қилиниб, 2007 йил учун қайта обуна бўлинди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг 2001 йил 22 январдаги 29-сонли буйруғи 1-иловасининг 1-банди, 1998 йил 30 сентябрдаги 271-сонли буйруғи билан амалга киритилган «Ўзбекистон Республикасида даврий нашрларни тарқатиш қоидаси»нинг 4.6-банди бузилганлиги боис Қорақалпоғистон Республикаси ДАИ томонидан 2006 йил 30 майда «Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарима қўллаш тўғрисида»ги 27- ва 28-сонли қарорлари чиқарилди, яъни **Қорақалпоғистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ собиқ директори У.Сапаров ва директор ўринбосари Г.Мамбетмуратовалар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 153-моддасига асосан республикадаги энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида жаримага тортилди.** Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараган почтачи А.Арзуовага «Матбуот тарқатувчи» МЧЖнинг 2006 йил 30 октябрдаги буйруғи билан ҳайфсан эълон қилинди.

Бундан ташқари, Давлат алоқа инспекцияси ва «Ўзбектелеком» АК ўртасида лицензия битими талабларининг бажарилиши юзасидан тузилган ўзаро келишувга асосан, 2006 йил давомида «Қорақалпоқ Телеком» филиалининг Нукус, Қанликўл, Амударё ва Кўнғирот туман телекоммуникациялар боғламаларида, жорий йилда Тахиатош шаҳар телекоммуникациялар боғламасида Қорақалпоғистон Республикаси ДАИ ходимлари томонидан ўрганишлар ўтказилган эди. Унинг натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида корхоналарга эслатма хатлари берилиб, телекоммуникациялар боғламаларидан ўз вақтида маълумотлар олинди ва улар таҳлил қилиниб, назорати олиб борилди. Натижада номинал рўйхатда кўрсатилган соҳага тегишли меъёрий ҳужжатларнинг тўлдирилишига, янги амалга киритилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жорий этиш ва уларни ўрганиш юзасидан ходимлар ўртасида ўқишлар ўтказилишига, бартараф этилмай келинаётган хавфли кесишмаларнинг қисман бартараф этилишига, шунингдек, линия-кабеллар ва кабел майдончалари таъмирланиб, кабел қутилари бўялиб борилишига муваффақ бўлинди. Линия-кабелларнинг жорий таъмирланиши ва профилактика ишларининг бажарилишига, тарқатув жавонларининг кроссировкалари тартибга келтирилишига, ТФ-2/1 назорат варақаси юритилмаган АТСларда ҳар куни юритилишининг йўлга қўйилишига, қўшимча хизматларга тарифлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар осиб қўйилишига, алоҳида тоифадаги фуқароларга навбатсиз хизмат кўрсатилишига, АТСларда хизмат кўрсатиш жойларида истеъмолчилар учун стол-стуллар қўйилишига ва фуқароларни қабул қилиш учун хоналар ажратилишига эришилди.

Давлат алоқа инспекцияси ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ўртасида почта алоқаси соҳасида ўзаро ҳамкорликда ишлаш юзасидан 2005 йил 25 декабрда тасдиқланган Келишувнинг 2.1. бандига асосан 2006 йил давомида Тўрткўл, Қораўзак туманлари ва Тахиатош шаҳар почта алоқаси тармоқлари-(ПАТ)да ҳамда жорий йилда Нукус шаҳар ПАТда ўрганишлар ўтказилди. Натижада туман ПАТга тегишли барча алоқа бўлимлари пешлавҳалари давлат тилида қайта ишлаб чиқарилди, почта қутилари қайтадан таъмирланди, почта индекси, хатларни йиғиб олиш вақти ҳамда почта қутиси рақами ёзиб қўйилди, почта алоқаси тармоғи билан алоқа бўлимлари амалиёт заллари мижозлар учун маълумотлар билан тўлдирилди, ПАТ иш жойлари зарур почта жўнатмалари бланкалари, китоблари, ишлаб чиқариш бланкалари билан таъминланди. Пенсия ва нафақа пулларининг тўланиши 165-йўриқнома талабларига асосан амалга оширилиши йўлга қўйилди, почта жўнатмаларининг тегишли муддатларда ўтишини назорат қилиш мақсадида назорат хатлари билан 125-шакл сўровномаларини тарқатиш амалга оширилди, яъни почта алоқаси тармоқларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси бандларининг тўлиқ бажарилиши таъминланди.

Қалмен ДАУТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси ДАИ бошлиғи

IJTIMOIY HIMOYA YILI DAVLAT DASTURI AMALDA

Мақтовга лойиқ ишлар

"Қорақалпоқ Телеком" филиалининг Амударё телекоммуникациялар боғламасида ходимлар ижтимоий ҳимояси борасида мақтовга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда боғлама бошлиғи Артиқбой Шамуратов шундай деди:

— Йил бошида Ижтимоий ҳимоя йили дастури асосида режалар тузиб олганмиз. Унда Наврўз, Янги йил, Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни, Мустақиллик куни каби байрам тантаналарида ходимларимиз ва улар фарзандларига мурувват кўрсатиш белгиланган. Бу тадбирлар ўз вақтида касаба уюшмаси раиси К.Индиров ва уюшма фаолларининг бевосита иштирокида амалга ошириб борилди.

Ходимларимиз фарзандларидан беш нафари Элликқалъа туманидаги, беш нафари Тошкент вилоятидаги болалар оромгоҳида дам олиб қайтишди.

Жорий йилда 9 нафар ёлғиз пенсионер хонадони телефонлаштирилди. 123 ходимга телефон тўловларида эллик фоизлик имтиёз берилди. Узлуксиз иш стажи учун 65 ходимга, меҳнат таътили учун 12 ходимга, юбилей муносабати билан уч ходимга, бола тарбияси билан шуғулланаётган 4 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди.

Мустақиллик байрамини зўр хурсандчилик билан нишонладик. Жамоамиз бир мақсад — йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлаш учун зўр ғайрат билан ишламоқда.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ,
"Xabar"нинг Қорақалпоғистон Республикасидаги мухбири

Бибисора опа Остонақулова жамоамизда кўп йиллар самарали ишлади. Уни тумандаги 2-Пахтаобод алоқа бўлими хизмат кўрсатаётган маҳаллада ҳамма ҳурмат қилади. Дарҳақиқат, Бибисора опага ҳар бир хонадон қадрдон бўлиб қолган. Жорий йилда у пенсия ёшига тўлди.

Хизматга яраша

— Куч-қувватдан қолганим йўқ, ишлайман десам ишлайвераман, — деди Б.Остонақулова таклифимизга муносабат билдираркан. — Аммо қизим Иқболойга кўпдан бери касбим сирларини ўргатиб келяпман.

Билдирилган ишонч сидқидилдан оқланмоқда. Иқболой Оролованинг ҳаракатлари онаси изидан боришига умид уйғотаётир. Почта жўнатмаларини эгасига етказишда унинг фаоллиги сезилиб турибди.

Ижтимоий ҳимоя йилида собиқ хабарчи Бибисора Остоноқулова каби 2-Шеробод ва туман марказидаги 1-алоқа бўлимларининг бошлиқлари Тўра Абдулҳакимов ҳамда Нишон Абдиевлар ҳам пенсияга кузатилдилар.

Иккита кам таъминланган ва кўп болали оилага моддий ёрдам кўрсатдик. Бир нафар пенсионернинг йиллик телефон ҳақи тўлаб берилди. Республика Мустақиллигининг 16 йиллик тўйи муносабати билан фаол ходимларимиздан бир гуруҳига эсдалик совғалари тақдим этилди. Бу каби тадбирларимиз жамоа аъзоларини янада ғайрат кўрсатиб ишлашга, ягона мақсад сари жипслаштиришга хизмат қилади.

Тармоғимиз биносини замонавийлаштиришга киришдик. Қурувчилар вақт ва имкониятдан унумли фойдаланмоқдалар. Тез орада бино томини ёпиш ниҳоясига етказилади. Ҳозир замонавий жиҳозлар ўрнатиладиган хоналар шай қилиб қўйилди. Ҳадемай ходимларимиз жаҳон андозаларига тенглаштириладиган амалиёт залида элга хизмат кўрсата бошлайди. Энг муҳими, бинонинг ташқи замонавий қиёфаси. Бино Шеробод маркази чиройига чирой қўшади. Бундан ташқари, тумандаги "Таллашқон" ва Эшбой Бердиев хўжаликларига хизмат кўрсатаётган "Пахтаобод" ва "Оққўрғон" алоқа бўлимларини замонавийлаштириш ҳам Ижтимоий ҳимоя йили дастурига киритилган.

Мазкур янгиликлар келгусида қишлоқ аҳлига тезкор ва сифатли почта хизмати кўрсатишни таъминлайди. Агар шу кунгача тўққиз турдаги хизматни йўлга қўйган бўлсак, яқин йиллар ичида хизмат турлари сони янада кўпаяди.

Маъмуржон АБДИЖАББОРОВ,
Шеробод почта алоқаси тармоғи раҳбари

Алоқачилар саховати

Ижтимоий ҳимоя йили доирасидаги тадбирлар "Фарғона Телеком" филиалининг Сўх телекоммуникациялар боғламасида ҳам яхши йўлга қўйилган.

— Инсоннинг кўнглини олиш, унга меҳр-мурувват кўрсатиш Ҳаж зиёрати билан баробар, деб бежиз айтилмаган, — дейди боғлама бошлиғи Алижон Шеров. — Биз ҳам боғламадаги имкониятга қараб туманимизда истиқомат қилаётган ногиронларнинг хонадонларини бепул телефонлаштириб беряпмиз. Малика Мўминова, Сирож Гадоев, Жамолиддин Холибоев каби инсонлар бу саховатдан баҳраманд бўлишиб, алоқачиларимизга ўз миннатдорчиликларини билдиришмоқда.

Асқарбек АНБАРЖОНОВ
Фарғона вилояти

ҲАДИС

ХАЙРЛИ, САВОБЛИ ИШЛАРДА БИР-БИРИНГИЗДАН ЎЗИШГА ШОШИЛИНГ.

NISHONDORLARIMIZ

Бақувват дарахт

Инсон ҳаётини дарахтга менгзайдилар. Дарахт бир жойда униб ўсади, илдизлари она заминга қанчалик чуқурроқ қадалса, шунчалик бақувват дарахтга айланади.

Умр бўйи бир жойда меҳнат қилган киши борки, албатта олдига қўйган мақсадига эришади. Халқ манфаати, юрт равнақига катта ҳисса қўшиш имкониятига эга бўлади. Ўзининг пайғамбаримиз ёшини нишонлаш арафасида турган Гулистон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи, "Меҳнат шуҳрати" ордени нишондори Бафо Комиловни илдизи бақувват, сермева дарахтга қиёслагим келди.

Ўша даврда, яъни 1963 йилда вилоятда ягона бўлган 11 йиллик ўрта мактабни тамомлаган 19 ёшли Бафо алоқа тармоғида электромонтёр вазифасида иш бошлади. У узоқни яқин қиладиган телефон симларининг вилоят бўйлаб тортилишида катта ҳисса қўшди. Ёш, ғайратли, меҳнаткаш бу йигит раҳбарларнинг эътиборига тушди. Ундаги иқтидорни ривожлантириш учун, албатта, олий ўқув юртида таҳсилни давом эттириши керак деб ҳисоблашди. Ташкилотга келган йўлланмани ҳеч иккиланмай Бафонинг қўлига тутқазишди. Шу тариқа Бафо Комилов 1965 йили Тошкент электротехника алоқа институтининг толибига айланди. Ўқиш давомида корхона томонидан стипендия ажратилди. Олий маълумотли мутахассис институт йўлланмаси билан Гулистон шаҳар алоқа тармоғига ишга юборилди.

Ўтган даврда Бафо Комилов қатор вазифаларда сидқидилдан хизмат қилди. 43 йил давомида алоқа соҳасида турли лавозимларда ишлади. Айни пайтда ҳам у алоқа линияларини таъмирлаш, АТСларни янги техника билан таъминлаш, замонавий рақамли электрон станцияга алмаштириш ва кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам ижобий ишларни амалга оширишга бош-қош бўлаётир. Унинг катта тажрибаси, малака ва иқтидори алоқа тизимидаги янгиликларни шаҳарда ўзлаштирилишини таъминлашда қўл келмоқда. Бугунги кунда Гулистон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси аҳолига ва юридик ташкилотларга шартнома асосида сифатли хизмат кўрсатаётир. Мавжуд 15600 нафардан зиёд мижознинг кўнглини бирдек олиш, узлуксиз алоқа билан таъминлаш каттагина меҳнат талаб қилади. Сир эмаски, айрим ҳолларда турли сабабларга кўра алоқада узилиш кузатилади. Шундай вақтларда мижознинг ҳақли талабини қондириш тизим жонкуярларининг асосий вазифаси саналади. Мижозларга бўлган бундай хизматнинг сабаби гулистонлик алоқачиларга Бафо Комиловдек катта тажрибага эга етук мутахассис бошчилик қилаётганидир.

— Инсон умри ўтган сайин ўзидан яхши ишлар, яхши ном қолдиришни кўпроқ истаб қоларкан, — дейди қаҳрамонимиз. — Ўшандагина чин маънода «яшадим» дейишга ҳақли бўларкан киши.

— Раҳбаримизнинг «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланганлиги барчамизни бирдек қувонтирди, — дейди боғламанинг ходимлар бўлими бошлиғи Одина Холмирзаева. — Бафо акани талабчан раҳбар, қалби дарё инсон сифатида ҳурмат қиламиз. Тизимда фаолият кўрсатаётган барча ходимлар у кишининг шогирдлари. Раҳбаримиз ҳар бир ходим билан энг яқин кишисидек муносабатда бўлади, зарур пайтларда оилавий муаммоларини ҳал этишга ҳам ёрдам кўрсатади. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам талабчанлик билан ёндашганлари сабабли, кўриб турганингиздек, ташкилотимизнинг ҳовлиси ва боғи анвойи гуллар, манзарали ҳамда мевали дарахтлар билан қопланган.

— Инсон умри ўтган сайин ўзидан яхши ишлар, яхши ном қолдиришни кўпроқ истаб қоларкан, — дейди қаҳрамонимиз. — Ўшандагина чин маънода «яшадим» дейишга ҳақли бўларкан киши. Бор куч-қувватим, билимимни алоқа соҳасини ривожлантиришга сарфладим. Муносиб шогирдлар тайёрлашга ҳаракат қилдим. Маълум даражада мақсадимга эришдим ҳам. Уларнинг эришаётган ютуқларидан мамнун бўламан. Соҳадаги узоқ муддатли меҳнатимнинг самараси ўлароқ ҳукуматимизнинг юксак мукофотига лойиқ топилганимдан жуда хурсандман. Меҳнат инсонни улуғлашига, у албатта ўз баҳосини олишига яна бир карра имон келтирдим.

Ҳаётда катта тажрибага эга, етмишни қоралаётган Бафо Комиловни кўрган киши унга элликдан ортиқ ёш бермайди. Худди ташқи кўринишидек, Бафо аканинг ғайратига ҳам ҳавасимиз келди. Шу куни қабулхона устозни табриклашга келган шогирдларга тўлиб кетди. Меҳнатининг самарасидан баҳра олаётган «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондорининг яхши ниятлари доимо мустажоб бўлишини тилаб, хайрлашдик.

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА

СЛУЖБЕ UZ-CERT ИСПОЛНИЛОСЬ 2 ГОДА

Служба реагирования на компьютерные инциденты UZ-CERT была создана в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан №167 от 5 сентября 2005 года «О дополнительных мерах по обеспечению компьютерной безопасности национальных информационно-коммуникационных систем».

За прошедшее короткое время Службой была проделана большая и плодотворная работа в рамках реализации задач, поставленных перед ней, в том числе по следующим основным направлениям:

- координация действий подразделений компьютерной безопасности операторов, провайдеров и других субъектов национальной информационной сети по вопросам предотвращения правонарушений в области использования компьютерных и информационных технологий;
- сбор, анализ и накопление в соответствующих базах данных информации о современных угрозах компьютерной безопасности, получаемой от пользователей, производителей компьютерной техники и программного обеспечения, аналогичных зарубежных структур, а также материалов по конкретным компьютерным инцидентам, эффективности применяемых программно-технических средств защиты компьютерных систем;
- выработка рекомендаций национальным пользователям по применению наиболее эффективных программно-аппаратных средств, обеспечивающих предотвращение актов незаконного проникновения в информационные системы на основе изучения и обобщения международного опыта обеспечения компьютерной безопасности, оказание консультативных услуг и технической поддержки национальным пользователям;

и многие другие.

Служба UZ-CERT всегда открыта для работы и сотрудничества со всеми пользователями. Высококвалифицированные специалисты Службы в любой момент окажут посильную помощь в обеспечении информационной безопасности и решении связанных с ней вопросов, как для юридических, так и физических лиц.

Юқоридаги дастурни амалга оширишда дастлаб Кения ташаббус билан чиққан бўлса, ҳозирда қатнашчи давлатлар сони 79тага етган, улар орасида Мали, Уганда, Сенегал ва Эфиопия сингари биринчи галда ёрдамга муҳтож давлатлар ҳам бор.

ГАП СОТГАНЛИК УЧУН ИККИ ЙИЛ

Буюк Британия қонунщуносларининг жиноятчи ва тартиббузарларга қарши аёвсиз курашишлари билан ном қозонишган. Бу гал ҳам шундай бўлди. Бундан буён Қўшма Қироллик фуқаролари автомобилни бошқараётган чоғларида портатив қурилмалардан фойдаланишса, у телефон ёки mp3-плеер бўладими, қатъи назар, икки йилга озодликдан маҳрум қилинишлари мумкин.

Шу пайтгача рулда мобил телефонда сўзлашган ҳайдовчилар 120 доллардан 5000 долларгача жарима тўлашаётганди. Аммо бу ҳам кор қилмади шекилли, телефон шинавандалари бошқарувидаги автоуловлар иштирокидаги кўнгилсиз ҳодисалар сони асло камаймаяпти. Тартиб посбонлари эса бунга бефарқ қараб туришмайди, албатта.

Саҳифани Собит АҲАДОВ тайёрлади

Кўҳна Бухоро Буюк Ипак йўлидаги тараққиётга интилган, маданият ва маърифати ривожланган шаҳарлардан ҳисобланади. Бухоро халқи электр алоқа соҳасида кашф этилаётган янгиликларга ва ҳаётга татбиқ қилинаётган алоқа техникаларига катта қизиқиш билан қарашган. XX асрнинг 20-йилларига келиб, давлат бошқарувида тезкор электр алоқа тизимини ташкил этиш мақсадида Бухоро шаҳрига радиоалоқа узатгичи ва қабул қилиш ускуналари келтириб ўрнатилади ва Тошкент шаҳри билан радиоалоқа ташкил қилинади.

Бухорода радиотелевидение

1927 йили, Тошкентда радиоэшиттириш станцияси ишга туширилгандан кейин, эфир орқали қабул қилиш имконияти мавжуд вилоятларда сим орқали радиоэшиттириш тизимини ташкил этишга киришилди. Жумладан, 30-йилларда Бухоро шаҳрида 7та симли радио нуқта ускунаси фаолият кўрсатган.

1932 йили Бухорода эфир орқали радиоэшиттиришни ташкил қилиш мақсадида радиоузатгич ўрнатилиб, ишга туширилди. Натижада вилоятнинг олис туманлари марказларида ҳам сим орқали радиоэшиттириш тизими яратилди. Шу тариқа вилоят аҳли янгиликлар, ҳар хил хушхабарлардан тезкор хабардор бўлиш имкониятига эга бўлди.

1956 йили, Тошкентда телевидение ташкил этилгандан сўнг, бухоролик мутасадди раҳбар ва мутахассислар Бухорода ҳам пойтахт телевидениесини қабул қилишни ташкил этиш мақсадида изланишлар олиб бордилар.

1959 йили бир гуруҳ мутахассислар Бухоро шаҳридаги баландлиги 40 метр бўлган Минораи калон устига қабул антеннаси билан чиқиб, Тошкентдаги телеузатгичнинг сигналларини қабул қилиш имконияти бор-йўқлигини текшириб кўришди. Лекин орадаги масофа узоқ бўлганлиги сабабли ижобий натижага эришилмади. Бир йилдан сўнг эса вилоятнинг Нурота туманидаги Лангар қишлоғи яқинида, денгиз сатҳидан 2005 метр баландликдаги Тахку чўққисида Тошкентдан тарқатилаётган телесигнал қабул қилинди. Топилган майдончада тезкорликда вақтинчалик мачта ва иморат қурилди. Техник талабларга жавоб берадиган қабул қилувчи ва узатувчи антенналар, ТРСА-100 русумли телеузатгич ўрнатилди, электр таъминот тизими қурилди. Телестанция қурилган майдончанинг баландликда жойлашганлиги сабабли нафақат Бухоро шаҳри, балки туманлари аҳолиси ҳам телекўрсатувларни кўра бошладилар.



Навбатда телекўрсатувларнинг сифатини яхшилаш ва қамровини кенгайтириш масаласи турар, буларни ҳал қилиш учун эса, биринчи навбатда, Лангарда қабул қилинаётган телесигнал сифатини яхшилаш керак эди. Шу боис, Р-60/120 русумли радиореле аппаратураси негизида 1962 йили Қўйтош - Лангар оралиғида Радиореле линияси (РРЛ) қурилди ва телесигнал РРЛ орқали Лангарга узатила бошланди.

Республикада радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни ривожлантиришнинг бош режасига асосан, телерадио сигналларни сифатли узатиш учун 1963-1965 йиллари Тошкент-Қўйтош, Лангар-Бухоро ва Лангар-Аяқудуқ-Зарафшон-Учқудуқ радиореле линиялари қурилиб ишга туширилди. Бухоро, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида қурилган радиореле станцияларида (РРС) қабул қилинган телесигналларни эфирга тарқатиш учун ТРСА-100 русумли телеузатгичлар ўрнатилди. Шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг хонадонларига телекўрсатувларнинг кириб келишидан қувончлари чексиз эди.

2003-2005 йилларда JBIC лойиҳаси амалга оширилиб, замонавий TB/FM узатгичлар "Бухоро", "Олот", "Қоровулбозор", "Газли" ва "Қизилровот" РТСларига ўрнатилди ва Бухоро вилояти ҳудудининг 99,8 фоизи телерадио дастурлари билан таъминланди.

Бухоро шаҳрида биринчи радиореле ва радиотелевидение станцияси (РТС) 1964 йили илк бор ишга туширилган бўлиб, у шаҳарнинг "Бош почтаси" биносида жойлашган ва 10-15 километрли доирада хизмат кўрсатар эди.

1965 йилга келиб, Лангар РТСда ўрнатиш учун амалиётга янги жорий этилган "ЯКОРЬ 5/1,5" русумли (телекўрсатув узатгичи 5 кВт, товуш узатгичи 1,5 кВт қувватга эга бўлган) 1-чи ТВ каналда ишлайдиган телерадио ва 4 кВт қувватга эга икки радиодастурга мўлжалланган УКВ ЧМ "ДОЖДЬ-2" русумли узатгичлар ишга туширилди. Уларни ўрнатиш учун лойиҳа асосида икки қаватли техник иморат, такомиллаштирилган узатиш антенна-фидерлар мажмуаларини ўрнатишга мўлжалланган баландлиги 44 метр бўлган мачта ва бошқа муҳандислик коммуникациялари қурилди. Телерадио ускуналарининг ишга туширилиши узатгичнинг қуввати, антеннанинг мачтага рационал жойлаштирилганлиги ва РТСнинг денгиз сатҳидан 2005 метр баландликда жойлашганлиги ҳисобига Бухоро вилоятининг катта ҳудуди сифатли радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар билан қамраб олинди.

Бухоро вилоятида бу соҳадаги ишлар 1963 йилда Самарқандда ташкил этилган Минтақавий кабел ва радиореле магистраллари бошқармаси (МКРМБ) раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан амалга оширилган. Чунки Бухоро вилоятида ишга туширилган РРС ва РТСлар Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги каби Самарқанд МКРМБ тасарруфида эди.

Бошқарувни ва эксплуатацияни такомиллаштириш, радиотелевидениени тезкор ривожлантириш мақсадида 1965 йилнинг биринчи октябрида Бухоро МКРМБ ташкил қилинди.

МКРМБ жамоасининг галдаги вазифалари радиотелевизион техник ускуналар мажмуасининг сифатли ишлашини таъминлаш, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар қамровини кенгайтириш билан бир қаторда, дастурлар сонини кўпайтириш ва рангли телекўрсатувларни тарқатиш учун тадбирларни режалаштириш ва амалга оширишдан иборат эди.

1965-1969 йилларида вилоят миқёсидаги шаҳарларни телекўрсатувлар билан таъминлаш борасида ишлар олиб борилди. Жумладан, Муборак, Газли, Қоракўл, Олот, Қоровулбозор шаҳарлари ва шаҳар атрофида яшовчи аҳолини икки дастурли телекўрсатувлар билан қамраб олиш мақсадида техник биноларнинг, унча катта бўлмаган телемачталар, электроэнергияни узатувчи тизимлар ва бошқа коммуникациялар қурилди. Зарафшон, Учқудуқ ва Томди шаҳарлари аҳли учун телекўрсатувларнинг иккинчи дастурини ташкил қилиш мақсадида амалдаги РТС, РРСлар қайта жиҳозланди ва ТРСА-100 ва РЦТА русумли, 100 ватт қувватга эга узатгичлар, узатиш антенналари ва РРЛнинг техник ускуналари ўрнатилди.

1970 йили Тошкентда рангли телесигналларни ишлаб берувчи генератор ишга туширилди. Рангли телесигналлар РРЛ каналлари орқали республика РТСларига тарқатилди. Ҳамма РТС ва РРСларда созлаш ишлари олиб борилди. Шу тариқа босқичма-босқич рангли телекўрсатувлар тарқатила бошланди. Шу жумладан, Бухоро вилояти аҳолиси ҳам рангли телекўрсатувларни томоша қилиш имконига эга бўлди.

Республика миқёсида бошқарувни такомиллаштириш мақсадида 1974 йили МКРМБ таркиби ўзгартирилиб, Бухоро ҳудудий кабел-радиореле магистраллари бошқармаси деб номланди, 1978 йилнинг 1 январидан эса Бухоро радиотелевидение узатиш маркази (РТУМ) номини олди.

XX асрнинг етмишинчи йиллари "Останкино" телестудиясининг теледастури сунъий йўлдош орқали катта минтақага тарқатила бошланди. Бунинг натижаси ўлароқ Бухоро вилоятининг чўл ҳудудларида, Ўзбекистон теледастурларини етказиб бериш имконияти йўқ аҳоли масканларида теледастурларни қабул қилиб узатгичга берадиган "Москва" ва "Экран" русумли техник жиҳозлар ёрдамида телекўрсатувлар ташкил қилинди. Қисқа муддатда ўнлаб қоракўлчилар хонадонларида телеэкранлар ёришди.

1983 йилда Бухоро шаҳрида 200 метрли телемачта ва юқори қувватли узатгичларни ўрнатишга мўлжалланган РТС қурилиб, 5 квт қувватга эга бўлган "ЗОНА-2" ва "АТРС-5" русумли телеузатгичлар ҳамда иккита УКВ ЧМ радио дастурга мўлжалланган ""ДОЖДЬ-2" русумли радиоузатгич ўрнатилди. Натижада, Бухоро вилоятининг қарийб 80 фоиз ҳудуди телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар билан таъминланди.

1986 йили Вобкент шаҳридаги вилоят алоқа техник ишлаб чиқариш бошқармаси тасарруфидаги радиоалоқа учун мўлжалланган радиостанция РТУМ тасарруфига берилди ва у ерда катта қувватли, СРВ 2х20, СРВ 7 ва СРВ 5 русумли узатгичлар ўрнатилиб, ўрта тўлқинда радиоэшиттиришлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 12 сентябрдаги "Йўлдош алоқа тизими орқали телерадиоэшиттиришларни ташкил этиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги Қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида республикада лойиҳалаш, қурилиш-таъмирлаш ва техник ускуналарни ўрнатиш ишлари амалга оширилди. 2006 йил ноябр ойида Бухоро вилоятининг чекка ва олис Мустақиллик, Сафрон, Жонгелди, Гургутли, Калата аҳоли масканларида "Ўзбекистон" телерадио дастурларини сунъий йўлдош орқали қабул қилиб узатадиган замонавий техник ускуналар, қуввати 10 Ватт бўлган CSD-10W русумли ТВ ва TF(S)-10 русумли FM, 100 ваттлик ТВ ва FM узатгичлар ўрнатилиб, ишга туширилди. Олот РТСда "Спорт" теледастурини тарқатиш учун 1 кВтли ТВ узатгич, Зафаробод РТСда 3та 100 ваттлик замонавий узатгич, Қоровулбозор ва Қизилровот РТСларида, иккита давлат радио дастурларини тарқатиш учун 100 ваттлик TF(S)-100 русумли FM узатгичлар ўрнатилди. Натижада бу масканларда телерадио эшиттиришлар сифати яхшиланди ва Бухоро вилоятининг барча ҳудудларини телерадио дастурлари билан қамраб олиш юз фоизга етказилди.

М.АТАМУҲАМЕДОВ,
Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази бош директори,
Н.САДИЕВ,
Бухоро РТУМ директори

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

Кафедра мудири:
Телекоммуникация линиялари — 1, чет тиллар — 1.
Доцентлар:
Иқтисодиёт — 1, Ахборот технологиялари — 1.
Катта ўқитувчилар:
Иқтисодиёт — 1, Касбий педагогика — 1, Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти — 1, Менежмент ва маркетинг — 1, Чет тиллар — 1, Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари — 1, Ахборот технологиялари — 1, Ўзбекистон тарихи — 1, Ўзбек ва рус тиллари — 1, Информатика — 1.
Ассистент (ўқитувчи)лар:
Иқтисодиёт — 1, Чет тиллар — 1, Ахборот технологиялари — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: 138-64-06.

TURMUSH CHORRAHALARIDA

ҲАР КИМКИ ХАФО ҚИЛСА...

Синглиси Раъно кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолганини эшитиб Инобат опа тинчини йўқотди. Қани эди қаноти бўлса-ю, учиб борса. Келини Азиза туғруқхонада ҳамшира бўлиб ишлайди. Кеча навбатчиликка кетган. Аксига олиб у кечикяпти. Ўғли Аброр ўзини хотиржам кўрсатишга ҳаракат қилса-да, хотинини кутиб, икки кўзи кўчада.

Тунов куни ҳам келини онасиникидан сал кечроқ қайтганида эр-хотин ичкарига кириб кетишди-ю, анчадан кейин Азиза тундроқ бир алпозда хонасидан чиқди. Ҳозир ўғлининг асабийлашишини кўриб Инобат опанинг ташвиши яна ортди. Нима, ўғли тартибли хонадонда тарбия олган гулдай келинига ишонмаяптими? Шу асно тез-тез юрганидан юзлари қизариб кетган Азиза: «Ассалому алайкум, ойижон, яхши ўтирибсизларми?» — дея ҳовлига кириб келди. Инобат опанинг кўнгли жойига тушиб, сафар тадоригини кўра бошлади. Узоқ йўл, зарур нарсаларни олмаса бўлмайди. У кийиниб сафарга шай бўлди ҳамки, келини ҳадеганда ичкаридан чиқавермади. Ўғлининг қаттиқ-қаттиқ гапираётганини эшитиб, Инобат опа беихтиёр ичкарига қулоқ солди.

— Шу пайтгача қаерда юрибсан? — сўроқ қиларди Аброр дағдаға билан. — Қайси хушторинг сени шунча вақт ушлаб қолди?!

— Навбатчиликни топшираётгандим, ўртоғимни туғруқхонага олиб келишди. У кўз ёриб бўлгунча қолиб кетдим. Бир синфда ўқиган бўлсак, индамай ташлаб кетиш одамгарчиликдан бўлмайди-ку! — зорланди келин. — Нега менга ишонмайсиз? Шунақа гапингиздан юрагим безиллаб қолди-ку, Аброр ака.

Инобат опа гап нимада эканини тушуниб, эшикни тақиллатди. Уни очган ўғил онанинг кўзларидаги ғазабни кўриб ҳушёр торди.

— Ҳа, ойи...

— Қани, иккаланг ҳам орқамдан юринглар-чи.

Инобат опа олдинда, ёшлар орқада, бирин-кетин ҳовлидаги сўрига келиб ўтиришди.

— Ўғлим, — деди Инобат опа жаҳли чиққанини яширишга уриниб, — гапларингни эшитдим. Рости, хафа бўлиб кетдим сендан.

— Мен нима айб қилдим, ойижон...

— Оғир гуноҳ қилдинг, болам. Пайғамбиримиз Муҳаммад саллоллоҳи алайҳивасаллам эрли, мўмина, иффатли аёлларни фоҳиша деб ҳақоратламоқни ҳалокатга олиб борувчи оғир гуноҳлардан бири деб атаганлар. Шуни биласанми?

— Нима, кеч келса, сўрашга ҳаққим йўқми? Рашк иймондандир, дейилган жойи ҳам бор ҳадисда.

— Тўғри, лекин рашк билан ишончсизликнинг ўртасида фарқ бор, болам. Сен хотинингга ишонмаяпсан. "Сени қайси хушторинг ушлаб қолди", — дединг. Бу ҳақоратку, билсанг. Тўғри, сўрашга ҳаққинг бор. Лекин ўзининг ҳасми-ҳалолини бунақа ҳақоратлаш эркак кишига ярашмайди. Агар мени ҳурмат қилсанг, иккинчи бунақанги гапларни гапирма.

Аброр қизариб ерга қараган кўйи «хўп» деди. Кеч келгани учун қайнонаси олдида хижолат бўлиб ерга қараб турган Азизанинг кўзларидан ёш юмалаб, юзларига оқиб тушди. Инобат опа келинига зарур юмушларни тайинлаб, йўлга отланди. Эр-хотин оналарини автобусга ўтқазиб қайтиб кетишди. Инобат опа қўш каптарлардай ёнма-ён уй томон бораётган ўғли билан келининнинг орқасидан қараб, «Хайрият» дея шукрона келтирди.

Автобус ойнасидан ўйчан қараб бораётган Инобат опа ҳамон ҳовридан тушмас, бўлиб ўтган воқеа ўз бошидан ўтказган аламли хотираларни эсга солган эди.

...Навбатчиликдан кейин куннинг иккинчи ярмида ишга келган Инобат хонасида ўтирган газета мусаҳҳиҳи Носиржоннинг афт-ангорини кўриб қўрқиб кетди. Унинг чап кўзи кўкарган, юзлари шилинган, оғриқнинг зўридан бўлса керак, аранг ўтирарди. У Инобатни кўриб, зўрға ўрнидан туриб, салом берди.

— Ҳа, нима бўлди? Ким сизни бу аҳволга солди? — ташвишланиб сўради Инобат унинг саломига алик оларкан.

— Қайниларингиз, опажон.

— Қанақа қайниларим? — Инобат ойланинг кенжа ўғлига келин бўлиб тушганлиги сабаб Носирнинг «қайниларингиз» деган сўзини дабдурустдан тушунмади.

— Вали, Шокир, Қосим...

Инобат бу исмларни эшитиб, уларнинг кимлигини билди. Улар қайнога ва қайнопасининг ўғиллари эди. Лекин нима учун бундай қилишди?

— Нима бўлди ўзи?

— Кеча навбатчиликдан кейин уйга кетаётсам, учаласи келиб мен билан илиқ сўрашишди. «Эрталаб келинойим билан қаёққа кетаётувдиларинг?» — деб сўради бири. Мен газетамиз қўшни тумандаги босмахонада чиқишини ва у ерга навбатчиликка бирга борганлигимизни айтдим. Улар мени дарё бўйидаги кафега таклиф этишди. Хушмуомалалик билан қилинган таклиф менда ҳеч қандай шубҳа туғдирмади, бордим. Панароқ жойга етганда, кутилмаганда Вали оёғимдан чалиб йиқитди, сўнг учаласи тепа кетишди. Ўрнимдан туриб:

— Гуноҳим нима? — дедим уларга. — Йигит ҳам шунақа номард бўладими? Биттага битта чиқмайсанларми мен билан.

— Нима учун келинойимиз билан кўчада бирга юрибсан?

— Аввало келинойингиз менга опа бўлади, — дедим. — Улар мендан ўн ёш катта. Қолаверса, Инобат опа покиза аёл, ишхонамизда уларни ҳамма ҳурмат қилади. Уялмайсанларми шундай аёлни ёмонотлиқ қилишга?

Хуллас, опажон, улар мени уч кишилашиб шу аҳволга солишди. «Хоҳлаган одамингга арз қилавер, истасанг, милицияга бор», — дейишди. Аҳволим кўчада юргудек эмас эди. Қоронғи тушишини кутиб, дарё бўйида анча ўтирдим. Турли хаёлларга бордим. Яна, шу аҳволда милицияга бориб, уларни қаматиб юборайми деб ҳам ўйладим. Сўнг кўз олдимга сиз келдингиз...

Инобат Носиржоннинг гапларини эшитиб, беихтиёр йиғлаб юборди: ҳам ҳали уйланиб улгурмаган ёш йигитча олдидаги хижолатликдан, ҳам аламдан ер ёрилса ерга киргудек эди. Сўнг опалик мехри билан оҳиста унинг елкасини силади ва деди:

— Раҳмат сизга, укажон! Ҳақиқий мард инсоннинг ишини қилибсиз, Аллоҳ сизни ярлақасин.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Туман газетасида мусаҳҳиҳ бўлиб ишлаб юрган Носиржон кейинчалик консерва заводига ишга ўтиб, цех бошлиғи даражасига кўтарилди. Ойласи, ширин-шакар фарзандлари билан фаровон ҳаёт кечиришяпти. Рўзғори бут, кўнгли тинч.

Унга бесабаб озор берганлар эса... Уларнинг бири оғир касалликка чалиниб вафот этди, қолган иккиси тузалмас дардга мубтало бўлишди...

— Ҳа, — деб қўйди чуқур хўрсиниб Инобат опа. — Жазолагувчи ҳам, мукофотлагувчи ҳам Ўзи. Ишқилиб, боламга инсоф бергин, Аллоҳим тўғри йўлдан адаштирмагин...

Муборак МИРКАМОЛОВА

OMONMISIZ, QADRDONLARIM?

Синфдошлар бўлди жам

Ассалому алайкум, "Xabar" газетаси таҳририяти ходимлари!

Мен "Xabar"нинг ҳар сонини қолдирмай ўқиб бораман. Ундаги турли-туман мақолалар, дунё хабарлари, алоқа, интернет, телекоммуникациялар ва спортга оид янгиликлар, "Турмуш сабоқлари" саҳифаси, аёллар учун маслаҳатлар, ривоят ва латифалар менга ёқади. Айниқса, "Омонмисиз, қадрдонларим?" рукни остида бериб борилаётган дийдорлашув номалари менга жуда маъқул бўлди.

Газетанинг 33-сонидаги "Дийдор ширин" мақоласини ўқиб, тўғриси жуда севиниб кетдим. Мактаб, ёшлик даврларим ёдимга тушди. Ўрта мактабни тамомлаганимга ҳам ҳадемай 30 йил тўлади. Яқиндагина синфдош қизлар билан дарс тайёрлаб, имтиҳонлар топшириб юрган эдим. Умр — оқар дарё, дегани шу бўлса керак. Инсон неча йил умр кўрмасин, ўқувчилик, мактаб даврларини ёдидан чиқаролмаса керак. Унга илм берган биринчи устози ҳамиша кўз ўнгида бўлади.

Мактабни тугатиб бирон марта ҳам синфдошлар билан учрашмаган эдик. Ўтган йили ҳеч кутилмаганда мени синфдошлар билан бўладиган учрашувга чақириб қолишди. Аввалига ҳайрон бўлдим, сўнг севинчдан юрагим ҳапқираб кетди. Орадан шунча йил ўтгач... Амин бўлдимки, инсоннинг ташқи кўриниши ўзгариши мумкину, лекин унинг нигоҳи, қарашлари ўзгармас экан. Синфдошлар билан бўлган учрашувда биз яна бир маротаба мактаб, ўқувчилик давримизга қайтдик десам, тўғри бўлади. Уларнинг барчаси ўз ҳаёт йўлларини танлаб, жамиятимизга керакли инсонлар бўлиб етишишган. Шу билан бирга, барчалари бахтли оила бошлиқ ва бекалари. Уларни кўриб ичичимдан қувондим, бу ҳам бўлса бизга тўғри таълим-тарбия берган устозимиз (Аллоҳ раҳмат қилсин) Зуҳра опа Зоҳидованинг меҳнатлари самараси деб билдим.

Ушбу учрашув барча синфдошларим ёдида узоқ вақт сақланиб қолади.

Шоира ҲАСАНОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги
129-алоқа бўлими бошлиғи

Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиалининг Шеробод почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ иш юритувчиси Зебохон Ражабова, ҳисобчи Умида ТЎРАЕВА ҳамда "Калламозор" алоқа бўлими хабарчиси Нажмиддин ЁДГОРОВларни таваллуд топган кунлари билан табриклайди. Уларга узоқ умр, тани-сиҳатлик ва оилавий бахт тилайди.

***

"Фарғона Телеком" филиали Сўх телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама операторлари — Икром БОБОНИЁЗОВ ҳамда Бибихон ИСМОИЛОВАларни туғилган кунлари билан табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларига тинчлик-омонлик, ишларида омад тилайди.

***

Уважаемая Пиягина Алла ЕГОРОВНА!
От всего сердца и от всей души поздравляем Вас с юбилеем!
Желаем Вам крепкого здоровья, долгих лет жизни и процветания!

С уважением расчётная группа филиала "TShTT" АК "Узбектелеком"

QANDOLATCHILIK SABOQLARI

СУТЛИ ЎРАМА

Зарур маҳсулотлар:

3 дона тухум, 3 ошқошиқ ун, 3 ошқошиқ қуруқ сут, 3 ошқошиқ шакар, 1/2 чойқошиқ ош содаси, 300 г қуюлтирилган сут.

Тайёрланиши:

Тухумларни шакар билан яхшилаб аралаштиринг. Сўнг кам-камдан ун, қуруқ сутни ҳам қўшиб, бир хил қоришма ҳолига келгунига қадар аралаштиринг. Сўнгида истеъмол содаси ҳам қўшинг. Тайёр хамирни баланд оловда газ печида 10 дақиқа давомида пишириб олинг.

Тайёр коржни дарҳол ўрама шаклига келтиринг. Совуғач, очиб орасига қуюлтирилган сутни қўшинг ва яна ўрама ҳолига келтиринг.

Ўрамани дастурхонга тортишдан аввал бўлакларга бўлиб чиқинг.

«ШАФТОЛИ»ЛИ ПИШИРИҚ

Зарур маҳсулотлар:

Хамири учун: 2 дона тухум, 200 г шакар, 2 ошқошиқ сметана, 40 г ун, 100 г маргарин, 1/2 чойқошиқ ош содаси.

Креми учун: 200 г қуюлтирилган сут, 170 г ёнғоқ, 200 г шакар.

Тайёрланиши:

Хамир учун мўлжалланган маҳсулотларни яхшилаб қориштиринг. Сўнг истеъмол содаси, унни ҳам қўшиб, хамирни аралаштиринг. Хамир қуюқ сметана каби бўлиши керак. Хамирни 30 дақиқа совутгичга қўйинг.

Сўнг уларни ёғланган газ патнисига қошиқча ёрдамида солиб чиқинг ва 10 дақиқа давомида пишириб олинг. Пишириқларни ички тарафидан озгина чуқурча ҳосил қилиб, ёнғоқ бўлагини жойлаштиринг. Сўнг иккита пишириқ қуюлтирилган сут ёрдамида бирлаштиринг. Пишириқлар шафтоли туси кириши учун унинг бир томонини сабзи, бир томонини эса лавлаги шарбати билан «бўянг».

Сунг «шафтолиларни» шакарга белаб, вазага солиб, дастурхонга тортинг.

BILASIZMI?

МИСР МАЛИКАСИНИНГ МУМИЁСИ

Мисрнинг Қоҳира шаҳрида фиръавн номига сазовор бўлган ягона қадимги Миср маликаси Хатшепсутнинг мумиёси топилди.

Бу иш мураккаб технологиялар ёрдамида амалга оширилди. Гарчи, Миср қадимшунослигини ўрганувчи олий кенгаш раиси Захи Хавас изоҳ беришдан бош тортган бўлса-да, Discovery Channel Хатшепсут мумиёси қийматини 1922 йилда Картер томонидан Тутанхамон қабридан топилган мумиёга тенглаштирмоқда.

Хатшепсут Тутмос Інинг қизи бўлиб, милоддан аввалги 1504-1484 йилларда мамлакатни Тутмос II билан бирга бошқарган. Малика вафот этгач, ўғли Тутмос III Хатшепсут қурдирган иморат ва унинг исми ёзилган ёдгорликларни бузиб ташлашга буйруқ берган.

ЭНГ УЗУН КЎПРИК



Хитой шарқидаги Нинбо шаҳрида Ханчжоуван денгиз кўрфазидан ўтган дунёдаги энг узун кўприкнинг устунларини бирлаштириш ниҳоясига етди.

Нинбо билан Цзясин шаҳарларини туташтирувчи кўприкнинг умумий узунлиги 36 километр. Шунинг учун ҳам денгиз кўрфазидан ўтган "дунёдаги энг узун кўприк» номига сазовор бўлди. Қурилишга сарфланган сармоя тахминан 11,8 миллиард юан (1,55 миллиард доллар)ни ташкил этди.

Автомобиллар олти қаторли кўприк бўйлаб соатига 100 километр тезликда ҳаракатланиши мумкин. Кўприкнинг лойиҳавий хизмат қилиш муддати — 100 йил.

Кўприк қурилиши 2003 йил ноябрда бошланган бўлиб, 2008 йилда Пекинда олимпиада ўйинлари бошланишидан аввал ишга тушади.

Маҳаллий ҳукумат фикрича, янги кўприкнинг очилиши мазкур ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир этиш билан бирга туризмнинг тараққий этишига ҳам туртки бўлади.

ЭНГ БОЙ ВА МАШҲУР КИШИЛАР

«Форбс» журнали шоу-бизнес ва спорт оламидаги энг бой машҳур кишилар рўйхатини чоп этди.

Юзта энг машҳур ва бой кишилар рўйхатига америкалик телебошловчи Офра Уинфри етакчилик қилмоқда. "Форбс" журналининг анъанавий рўйхатига қора танли инсоннинг бошчилик қилиши тарихда илк бор кузатилмоқда. Шу билан бирга, Офра ягона африкалик миллиардер ҳисобланади.

Ўтган йили биринчи ўринга актёр — Том Круз чиққанди. Бу сафар эса у "Форбс" рейтингида саккизинчи поғонадан жой олди.

Энг машҳур ва бой кишилар рўйхатида иккинчи поғона ҳам афроамерикалик — голф ўйинчиси Тайгер Вудсга насиб қилган. Ўтган йили унинг даромади 100 миллион долларни ташкил этган.

Шунингдек, ўнталикка "Роллинг Стоунз" гуруҳи, Мадонна ва Бред Питтлар ҳам киритилган.

"Форбс" таниқлилик ва бойлик даражасини аниқлашда машҳурларнинг даромади билан бирга уларнинг экран ва матбуотда тез-тез пайдо бўлишини ҳам ҳисобга олган.

ХАНДАЛАР

Икки дугона кўчада учрашиб қолишди.

— Қалай, янги кўйлагим сенга ёқдими? — сўради улардан бири.

— Кечирасан, жонгинам, — деди иккинчиси, — жуда шошилиб турибман. Сен билан жанжаллашишга вақтим йўқ.

Эр уйга келиб хотинига деди:

— Мана, иккита лотерея чиптаси олиб келдим.

— Нима бало, эсингни еб қўйганмисан? — қичқирди хотини. — Нега иккита сотиб олдинг. Ахир газетада ёзишларича, лотереяда битта асосий ютуқ бор-ку.

Ҳерманн жуда хасис киши эди. Бир куни почтага бориб сўради:

— Айтинг-чи, битта телеграмма жўнатиш учун қанча тўлашим керак?

— Бу энди телеграммадаги сўзлар сонига боғлиқ, — деди почта ходими, — аммо табрик телеграммалари учун ҳақнинг ярми тўланади, холос.

— Бўлмаса ёзинг, — деди Ҳерманн, «Севгилим Хилда! Мен сени эртага ёнингга етиб боришим билан табриклайман!»

***И.АҲМЕДОВ** тайёрлади*

"ҚУЛОҚСИЗ"ЛИКНИНГ САБАБИ

Олимларнинг аниқлашларича, болаларнинг баъзида "қулоқсиз" бўлиб қолишига газланган ичимликлардаги сунъий истеъмол бўёқлари ва бензоат натрий сабаб бўлар экан. Буюк Британиянинг Саутгемптон психология ва тиббиёт университети шифокорларининг уч ва саккиз ёшли болаларда олиб борган тадқиқотларидан сўнг бу ўз исботини топган.

Тадқиқотлар 153 нафар уч ёшли ва 144 нафар саккиз ёшли болаларда олиб борилган. Ота-оналардан олти ҳафта давомида фарзандларига ҳар хил истеъмол қўшимчалари бермаслик сўралган. Болаларнинг бирортасида тажрибалар ўтказгилгунга қадар овқатланишдан кейин бирор бир муаммо кўзга ташланмаган.

Тажрибалар бошланиши билан ҳар куни болаларнинг бир қисмига табиий шарбат, бошқаларига истеъмол буёқлари ва бензоат натрий қўшилган шарбатлар берилган. Натижада кейинги гуруҳ болалари таниб бўлмас даражада ўзгарган: уларни бошқариш қийинлашиб, катталарнинг мурожаатига эътиборсиз бўлиб қолишган.

АЛОҚАЧИ ЛУҒАТИ

● **Файл (ru – файл, en — file)** — Идентификатор билан таъминланган хотира қурилмаларида жойлаштирилган ва амалиёт тизими воситалари ёки дастурлаштириш тилида бир бутун каби расмийлаштирилган ахборот.

● **Ҳисоблаш техникаси воситалари, кластер (ru – кластер, en – cluster)** — 1. Маълумотлар базаси бутунлигини қўллаш ва машиналараро воситалар билан (умумий файлли тизим) автоном тизимга нисбатан мажмуини акс эттирувчи кўп машинали ҳисоблаш тизими.

2. Тезкор каналлар билан бирлаштирилган бир неча компютердан ташкил топган ҳисоблаш тизими.

Изоҳ — *Абонентлар учун кластер бир бутун деб қаралади. Кластерли архитектура ошириш имкониятини ва бузилиш турғунлигининг юқори даражасини таъминлайди.*

● **Портатив компютер (ru — компютер портативный, en — Portable computer)** — Автоном таъминот манбаидан ишлаш қобилиятига эга бўлган кичик габаритли кўчма хусусий компютер.

● **Маршрутизатор, оутер (ru — маршрутизатор, оутер en – outer)** — 1. Тармоқ трафигини узатишнинг бир неча йўлларидан бирини танлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун жавоб берувчи тизим.

Изоҳ — *Бу вазифани бажариш учун маршрутизация метрикаси деб номланадиган бир неча мезонлар асосида энг яхши йўлни танлаш тармоғи ва алгоритми тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олувчи маршрутизацияловчи баённомалардан фойдаланилади. Маршрутизаторлар хабарларни тезкор ва максимал самара билан маршрутизациялаш амалга ошириш учун, тармоқнинг жорий ҳолати тўғрисидаги ахборотларни ўзаро алмашиш қобилиятига эга бўлиши керак. 2. Тармоқда пакетларни маршрутизациялаш билан, яъни тармоқ бўйича пакетлар боришининг қисқа йўналишини танлаш билан шуғулланувчи компютер тармоғи.*

SPORT

FUTBOL

ПЕКИН-2008 ОРЗУСИ ОРЗУЛИГИЧА ҚОЛДИ

Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси ўтган шанба куни Самарқанд шаҳрида Сурия олимпиячилари билан дурангга имзо чекканидан сўнг, уларнинг Пекин-2008га йўл олиши учун имконият жуда оз қолганди. Чунки Корея Республикаси футболчилари сафарда бахрайнлик тенгқурларини мағлубиятга учратиб, гуруҳнинг якка пешқадамига айланиб олишганди. Учинчи тур ўйинларидан сўнг вазият янада ойдинлашди.

Бахрайн Олимпия терма жамоасига қарши учрашувдан олдин терма жамоамизда Олимпиада-2008га йўл олиш учун назарий жиҳатдан имкониятлар бор эди. Буни ишқибозлардан кўра жамоа мураббийлари ва футболчилари яхшироқ билишарди. Лекин...

ЎЗБЕКИСТОН – БАҲРАЙН 1:2

Голлар: Садриддин Абдуллаев, 85 — Абдуллоҳ Исмоил Умар, 30; Ҳамад Файсал, 90+2.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Корея Республикаси жамоаси Сурия олимпиячиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди ва ўз ҳисобидаги очколар сонини 9тага етказиб олди. Бахрайнда – 6, Ўзбекистон ва Сурияда 1 очкодан бор. Агар гуруҳда фақат биринчи ўринни эгаллаган жамоа Пекинга йўл олишини ҳисобга олсак, биринчи давранинг ўзиёқ Олимпиада орзусини йўққа чиқарди, деб бемалол айтишимиз мумкин. Бунга учрашувдан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида жамоамиз бош мураббийи Вадим Абрамов ҳам иқрор бўлди.

АЗИЗ ҲАЙДАРОВ ЭНГ ЯХШИЛАР ҚАТОРИДА

Осиё Футбол Конфедерацияси ҳар йили қитъанинг энг яхши футболчисини аниқлаб келади. 12 сентябр куни ОФК расмий сайти 2007 йилги Осиёнинг энг яхши футболчиси номига номзод дастлабки 33 футболчининг рўйхатини эълон қилди. Улар орасида Тошкентнинг "Курувчи" жамоаси ҳамда Ўзбекистон миллий ва олимпия терма жамоаси аъзоси Азиз Ҳайдаров ҳам бор.

TENNIS

ВАКИЛЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

Тошкент теннис марказида қитъамизнинг йигирмадан ортиқ мамлакатидан келган энг сара ракетка усталари иштирокида ташкил этилган Осиё чемпионати ўзбекистонлик теннисчиларнинг муваффақияти билан якунланди.

Эркаклар ўртасидаги яккалик беллашувлар финалида турнирнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин япониялик Татсума Ито билан куч синашди. Унда ҳамюртимиз рақибини 6:2, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 2005 йилдаги зафарини такрорлади ва иккинчи маротаба қитъа чемпионлигини қўлга киритди.

Аёллар ўртасидаги баҳсда Ирода Тўлаганова финалда Ҳиндистон вакили Тара Иерга рўбарў келди ва учрашувни 6:2, 6:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилиб, ўтган йилги чемпионлик унвонини ўзида сақлаб қолди.

Энди ҳар иккала теннисчимиз Осиё чемпиони сифатида «Катта дубулға» турқумига кирувчи дунёдаги энг нуфузли тўртта мусобақадан дастлабкиси — келаси йилнинг 14-27 январ кунлари Мелбурн шаҳрида ўтказиладиган Австралия очиқ чемпионатининг асосий тур беллашувларида қатнашади.

BOKS

БИТТА ОЛТИН, ИККИТАДАН КУМУШ ВА БРОНЗА

Боку шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати якунланди. Турнирда 40та мамлакат вакиллари иштирок этди.



Мусобақа 13 вазн тоифасида бўлиб ўтди. Якунда умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчи ўринни қўлга киритди. Озарбайжонликлар иккита олтин, иккита кумуш ва учта бронза медали соҳиби бўлишди.

Ўзбекистон терма жамоаси битта олтин, иккита кумуш ва иккита бронза медалига эгалик қилди: 57 кг вазнда Ўктамжон Раҳимов олтин, Жалолбек Хабизов (60 кг) ва Авазбек Акромовлар (66 кг) кумуш, 54 килограмм вазн тоифасида Фазлиддин Ғойибназаров ва 63 килограммлик Машҳур Рўзиевлар бронза медалини қўлга киритишди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК "Shaharlararo aloqa korxonasi" филиали жамоаси ҳуқуқшунос Зафар Бобоқуловга укаси

Шерзод БОБОҚУЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусаид КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шуҳрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
Е-мейл: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорий материал — ⓪
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

853-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 7930 нусха.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Матн теруви: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз: UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 23.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.



"РЕГАТА" КРОССВОРДИ

ЭНИГА: **10.** Ошхона буюми. **11.** Металл нишон, алоҳида хизматлари учун шахсларга давлат томонидан бериладиган мукофот. **12.** Тахминан 120-180 йилларда яшаб ижод этган рим ёзувчиси, Карфагеннинг машҳур нотиғи. **13.** Таниқли немис композитори Иоганн Себастян ... **14.** Зоологиянинг қушларни ўрганувчи бўлими. **15.** Эрон шаҳри. **18.** Швед автомобили. **19.** "... узуги" — бадиий филм (Италия). **20.** Теннисчи ... Тўлаганова. **22.** Камбағалнинг оши. **24.** Ақлли аёлларга нисбатан ишлатиладиган сифат. **25.** Қадимги тўқув дастгоҳи. 26. Америкада яшовчи ҳинду қабиласи. **27.** Келиб чиқиши Аргентинага бориб тақалувчи бал рақси тури. **28.** Чехияда чиқадиган юк ва енгил машиналар русуми. **30.** Қирғоқлари тик ва баланд қоялардан иборат тор ва чуқур денгиз қўлтиғи. **37.** Гапда боғловчи вазифасини бажарувчи сўз. **38.** Рус маринист-рассоми. **39.** Отеллонинг душмани. **42.** Аския йўналиши. **43.** Уралдан Охота денгизи соҳилидаги тоғ тизмаларигача ва Шимолий муз океани қирғоқларидан Қозоғистон сертепа даштлари ва Мўғулистонгача чўзилган ҳудуд. **44.** Тегишли саволлар муносиб жавоблар билан тўлдириладиган қоғоз.

БЎЙИГА: **1.** Японияда Қишки олимпия шаҳри. **2.** "Пахтакор" футболчиси Ихероуме ... **3.** Юнон мифологияларида тасвирланган тўққизбошли илон. **4.** Мамлакатимиздаги дарё, туман ва таом номи. **5.** Ғафур Ғулом қаламига мансуб асар-қисса. **6.** Ёрдамчи сўзлар туркуми. **7.** Мусулмонлар байрами. **8.** Германиянинг машҳур саноат ҳудуди. **9.** Тасвирий санъат жанри. **16.** Мексикадаги йирик шаҳар. **17.** Эркин муомаладаги пул тизими. **21.** Сон. **23.** Интонация, куй ва тоннинг умумий номи. **29.** Бир мамлакатнинг ҳамма томондан бошқа бир мамлакат ҳудуди билан ўралган ва денгизга чиқиш йўли бўлмаган қисми. **31.** Елканли, эшкакли ва моторли қайиқларда ўтказиладиган спорт мусобақалари. **32.** АҚШ штати. **33.** Гётенинг машҳур шоҳ асари. **34.** Бўш вақтда шуғулланиладиган ёқимли машғулот. **35.** Тутқунликдаги аёл. **36.** Елим олишда ишлатиладиган ўсимлик. **40.** Шикоят. **41.** Англия ва Шимолий Америкадаги 0,40 гектарга тенг ер ўлчови.

ЖАВОБЛАР

ЭНИГА: 10. Саҳқи. 11. Орден. 12. Ауриен. 13. Бах. 14. Орнитология. 15. Язд. 18. Волво. 19. Бокке. 20. Ирода. 22. Бетон. 24. Оқила. 25. Ўрмак. 26. Омаха. 27. Танго. 28. Татра. 30. Фиорд. 37. Ёки. 38. Айвазовский. 39. Яго. 42. Лайфов. 43. Сибир. 44. Анкета.

БЎЙИГА: 1. Нагано. 2. Ўнеи. 3. Гидра. 4. Норин. 5. Ёғроч. 6. Ўрдов. 7. Хайит. 8. Рур. 9. Пейзаж. 16. Гвадалахара. 17. Конвертация. 21. Равам. 23. Оҳанг. 29. Анклав. 31. Регата. 32. Айова. 33. Фаст. 34. Хобби. 35. Асира. 36. Ширач. 40. Ада. 41. Акр.

ҚУЁШ НУРИ ТУГАНМАСМИ?



Ҳозирда кўпчиликни келажакда об-ҳавонинг қандай бўлиши билан боғлиқ маълумотлар қизиқтиряпти. Бу борада эса турли тахминлар илгари сурилмоқда. Хўш, асримиз ўрталарига бориб иқлим қандай бўлади? Дунёнинг етакчи олим ва мутахассисларининг фикрича, қуёшнинг ёруғлик цикли ҳар икки юз йилда ўзгарар экан. Олимлар илгари сурган бу фикр айни ҳақиқатдир. Қуёшдан келаётган нурлар фаоллашуви ўн бир циклда кузатилган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, асримизнинг ўрталарида Ер юзасига етиб келаётган Қуёш нурлари оқими бироз камаяди ва оқибатда иқлим совуши рўй беради. Бу фикрларни ҳақиқатга анча яқин дейиш мумкин. Негаки, Қуёш энергияси ҳам бориб-бориб қачонлардир тугаши мумкинлиги аллақачонлар айтилган.

FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

"Ўзбекистон иқтисодиётидаги энг янги ютуқлар" почта маркалари туркуми. 2001 йил 24 август.

377, 378-маркалар горизонтал жойлашган 2 марка ва 1 купондан иборат занжир кўринишида босилган. Варақда 8 марка, 4 купон бор.

377. "Марказий банк" почта маркаси. Тошкент шаҳридаги Марказий банк биноси тасвирланган.

378. "Банклар ассоциацияси" почта маркаси. Тошкент шаҳридаги Банклар ассоциацияси биноси тасвирланган.

379, 380-маркалар горизонтал жойлашган 2 марка ва 1 купондан иборат занжир кўринишида босилган. Варақда 8 марка, 4 купон бор.

379. "Тошкент шаҳар ҳокимияти" почта маркаси. Тошкент шаҳар ҳокимияти биноси тасвирланган.

380. "Ўзсавдомарказ" почта маркаси. Тошкент шаҳридаги марказий Ўзбекистон савдо маркази биноси тасвирланган.

381-392. "Мустақил Ўзбекистоннинг давлат мукофотлари" купонли почта маркалари туркуми. С.ШАРИПОВ дизайни.

Маркаларда мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида таъсис этилган давлат мукофотлари тасвирланган. Марка ва купонлар бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Марка ўлчами 30х42 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусхадан.

381. "Олтин юлдуз" медали" почта маркаси.

382. "Мустақиллик" ордени" почта маркаси.

383. "Амир Темур ордени" почта маркаси.

ОТ БИЛАН ОВУЛ ОША...

От билан овул ошилганда хуржун хат-хабар, газета ва журналларга тўла бўлади. Панжи Маманов уни эгаларига етказганда қувониб кетади. Бу бежиз эмас. Одамлар қувончига шерик бўлишдан ортиқ бахт йўқ, оламда!